

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ ГАЙРАТОВНА

**ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ ОЗИҚ-
ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ
ХУСУСИЯТЛАРИ АСОСИДА БЕМОРЛАРНИ ПАРҲЕЗ ДАВОЛАШНИ
ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Дилафруз Гайратовна

Овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озик-овқат
маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятлари асосида беморларни
парҳез даволашни гигиеник асослаш..... 3

Абдуллаева Дилафруз Гайратовна

Гигиеническое обоснование профилактики и диетотерапии пищевой
аллергии с учётом сенсibiliзирующих свойств местных продуктов
питания..... 21

Abdullaeva Dilafruz Gayratovna

Hygienic substantiation of prevention
and diet therapy of food allergy taking into
account the sensitizing properties of local food products..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ ГАЙРАТОВНА

**ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ ОЗИҚ-
ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ
ХУСУСИЯТЛАРИ АСОСИДА БЕМОРЛАРНИ ПАРҲЕЗ ДАВОЛАШНИ
ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib201 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Худайберганов Анатолий Сагатбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Назаров Азадбек Ахмедович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамракулова Муқаддасхон Асқаровна
тиббиёт фанлари доктори

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 1- ўқув биноси мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аллергия тўғрисидаги илк маълумотлар эрамиздан тўрт аср аввал тасвирланганига қарамай, шу кунга қадар долзарблигича қолмоқда. Аллергик касалликлар ЖССТ томонидан тиббий-ижтимоий муаммо деб эътироф этилган ва бутун дунёда ўсиш тенденциясига эга. «...аммо шунга қарамай, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам аллергия касалликлар билан хасталанган беморларга тўлиқ ёрдам кўрсатиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир...»¹. Расмий маълумотларга кўра «...овқат аллергияси шошилиш даволаш бўлимларига госпитализацияни талаб қилувчи анафилактик ҳолатларнинг 30-50%ни ташкил этади...»². Овқат аллергияси синдроми тери, респиратор тизим касалликларининг кенг спектрини қамраб олган бўлиб, генерализациялашган кўринишларни ҳам ўз ичига олади. Жаҳонда аҳоли саломатлигини асраш, аллергия касалликлар олдини олиш ва ўз вақтида даволашга қаратилган қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу борада асосий эътиборни эрта ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан турли иммунологик ва ноиммунологик механизмлар билан кечувчи овқатни кўтара олмаслик ҳолати клиник кўринишининг турли-туманлиги, ягона ташхислаш мезонлари йўқлиги туфайли нотўғри ташхис қўйилиши ҳамда парҳезда ортиқча чеклашларга олиб келиши тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Жаҳонда овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг сенсбилизация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада овқат аллергияси билан касалланиш кўрсаткичи ва унинг тарқалишини, иссиқ иқлим шароитида овқат аллергияси эрта ташхисоти учун янги хавфсиз аллерген панелларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллашни асослаш, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилашдан иборат. Аллергик касалликлар билан хасталанган беморларда махсус *in vitro* аллергия ташхисот ёрдамида юртимизда энг кўп учрайдиган озиқ-овқат аллергенларини, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг сенсбилизация хусусиятлари, иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда элиминацион ва гипоаллерген парҳез рационлари, овқат аллергияси профилактикаси, ташхисоти, стандартизацияси ва парҳез даволаш бўйича амалиётга таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва гигиеник меъёрлар яратиш каби алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ Богданова С.В. Этиология и патогенез пищевой аллергии. Вопросы питания, Москва 2014.-№3 С.35-45.

² Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари, 2017

стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...»³ белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда турли касалликлар профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва соғлом овқатланиш орқали аҳоли орасида касалланиш даражасини камайтириш ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715 «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амалий тиббиётда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ, ривожланиш механизмлари турли ҳолатлар ва синдромлар овқат аллергияси ташхиси билан юритилади. Аниқ ташхисот мезонларининг йўқлиги ташхисот тадбирларини нораціонал қўлланишига ва даволаш стандартларининг етарли бўлмаслигига олиб келади. «Овқат аллергияси» термини Жаҳон Аллергология Ташкилоти томонидан озиқ-овқат маҳсулотларига юқори сезувчанлик иммунологик механизмлар билан боғлиқлиги исботланганда қўйилиши тавсия қилинган (European Academy of Allergology and Clinical Immunology, 1993). Хорижий давлатларнинг қатор олимлари томонидан овқат аллергияси билан хасталанган беморларда касалликнинг эрта ташхисоти, даволаш ва профилактикасининг самарали усулларида фойдаланиш (Лусс Л.В, 2007; Евсюкова И.И., 2010; Ревякина В.А., 2010; Федорова О.С., 2010; Колхир П.В.,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

2010; Макарова С.Г., 2011; Балаболкин И.И., 2011; Боровик Т.Э., 2012; Боткина А.С., 2012; Зайцева С.В., 2012; Новик Г.А., 2012; Ткаченко М.А., 2012; Пампура А.Н., 2012; Евдокимова Т.А., 2013; Перевошикова Н.К., 2013; Ревякина В.А., 2013; Богданова С.В., 2014), эпидемиологияси (Sicherer S.H., 2011), парҳез даволаш асослари (Латогуз И.К., Латогуз С.И., 2009), озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ аллергия реакциялар лаборатор ташхисоти (Геппе Н.А., 2012; Matsuo H., 2015; Fernandez-Rivas M., 2014; Прилуцкий А.С., Ткаченко К.Е., 2017), молекуляр асослари (Breitender H., 2014; Murad A., 2016) бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аллергия касалликлар, жумладан, бронхиал астма (Разикова И.С., 2003; Назаров Ж.А., 2006) ва аллергия ринитлар (Алиева В.Ш., 2006) клиник кечиши ва даволаш (Давлетова З.Ж., 2007; Назаров А.А., 2014), респиратор алергозларда иммунотерапия (Ирсалиева Ф.Х., 2016) бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Озиқ-овқат индустриясининг замонавий ривожланиши овқат маҳсулотлари билан боғлиқ ноқулай реакциялар ўсишига ҳамда ушбу патология назоратининг мураккаблигига сабаб бўлади. Чунки кўпгина аллергиялар озиқ-овқат саноати томонидан чиқариладиган (кулинария ва қандолат маҳсулотлари, шоколад, тез тайёрланадиган маҳсулотлар, чипслар ва ҳк.) маҳсулотлар рецептурасига киритилган. Бу масаланинг истиқболи ва амалий аҳамияти муҳимлигига қарамай, республикамизда ўсмирлар ва катта ёшли беморлар орасида овқат аллергияси муаммоси, касалликни ташхислаш, овқат аллергиясининг тарқалиши, даволаш ҳамда профилактикаси гигиеник асосланмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инфекцион, гигиеник, техноген, экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсири» (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятларини инобатга олган ҳолда аллергия касалликлар профилактикаси ва парҳез даволашни гигиеник асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўнгги беш йил ичида 14-70 ёшдаги аллергия касалликлар билан хасталанган беморларни овқат аллергияси билан касалланиш кўрсаткичи ва унинг учраш сонининг таҳлили;

иссиқ иқлим шароитида овқат аллергияси эрта ташхисоти ҳамда стандартлаш учун янги хавфсиз аллергия панелларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллашни асослаш, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилаш;

аллергия касалликлар билан хасталанган беморларда махсус *in vitro* аллергия ташхисот ёрдамида мамлакатимизда энг кўп учрайдиган озиқ - овқат аллергияларини аниқлаш;

маҳаллий озиқ - овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятлари, иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда элиминацион ва гипоаллерген

парҳез рационларини ишлаб чиқиш;

овқат аллергияси профилактикаси, ташхисоти ва парҳез даволаш бўйича амалиётга таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2015-2017 йилларда Республика ихтисослашган аллергология марказига ва Сурхондарё ҳамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига шошилиш ва режали равишда мурожаат қилган 14-70 ёшдаги 334 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида овқат аллергиясининг аллергик касалликлар ичида аҳамияти таҳлили, озиқ-овқат аллергенлари, иммуноглобулин Е махсус антитаначаларни аниқлаш учун қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда гигиеник, клиник, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор иммуноблот аллерген панеллари ёрдамида махсус *in vitro* аллергологик ташхислаш мезони клиник амалиётга тадбиқ қилинган;

иссиқ иқлим шароитида озиқ-овқат аллергенларининг маиший, эпидермал, касбий, моғор, ўсимлик чанглари аллерген гуруҳлари билан кесишган сенсibiliзацияси ҳамда овқат аллергияси билан хасталанган беморларда поливалент сенсibiliзация мавжудлиги асосланган;

илк бор маҳаллий озиқ - овқат маҳсулотларининг биологик ва сенсibiliзация хусусиятларини эътиборга олган ҳолда гипоаллерген таомнома тузилган, таомномаларни беморлар ёши, жинси, иммун ва овқатланиш статуси, ёндош касалликлар мавжудлигига қараб мослаштириш мезонлари тавсия қилинган;

озиқ-овқат этиологияли аллергик касалликлар олдини олиш бўйича гигиеник чоралар комплекси тавсия қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тезкор типда кечувчи озиқ - овқат этиологияли аллергик касалликлар ташхисотини такомиллаштириш бўйича махсус аллерген панеллари модификация қилинган;

овқат аллергияси ва овқатни кўтара олмаслик ҳолати қиёсий ташхисоти, аҳоли саломатлиги ҳолати бўйича ижтимоий - гигиеник мониторинг ўтказиш учун IVD усулларини қўллаш тавсия қилинган;

озиқ-овқат этиологияли аллергик касалликларда парҳез даволаш учун адекват мослаштириб буюриш принципи ишлаб чиқилган;

маҳаллий озиқ - овқат маҳсулотларининг биологик ва сенсibiliзация хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аллергик касалликларни даволаш ва профилактикаси учун гипоаллерген ва чекловчи парҳез ишлаб чиқилган;

тезкор турдаги сезувчанлик билан кечувчи латекс аллергияси эрта ташхисоти ва профилактикаси бўйича чоралар тавсия қилинган;

овқат аллергияси профилактикаси бўйича тиббиётга амалий тавсиялар таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан

тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, гигиеник, лаборатор, статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. Хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти маҳаллий маҳсулотларнинг аллергиялик хусусиятларини эътиборга олиб, келтирилган хулоса ва таклифлар овқат аллергиясини эрта ташхислаш, кесишган аллергия реакциялар ва озик - овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятларини эътиборга олиб, парҳез даволаш адекват мослаштириб буюриш принципи бўйича амалиёт шифокорларига тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти тезкор типдаги аллергия реакциялар билан кечувчи аллергия касалликлар эрта ташхисоти ҳамда аҳоли саломатлигининг ижтимоий-гигиеник мониторинги учун модификацияланган иммуноблот аллергия панеллари ёрдамида замонавий IVD усулини клиник амалиётга жорий қилиш билан ифодаланади. Олинган натижалар асосида профилактик чоралар, озик - овқат этиологияли аллергия касалликларни парҳез даволашда адекват мослаштириб буюриш мезонини танлашга янгича ёндашув тавсия қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озик - овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Овқат аллергиясида парҳез даволашга замонавий ёндашув» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 августдаги 8н-д/172-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма тезкор типдаги аллергия реакциялар билан кечувчи овқат аллергиясида беморларга чекловчи (элиминацион) парҳез тавсия қилиш имконини берган;

«Иссиқ иқлим шароитида *in vitro* аллергия ташхисот замонавий усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 августдаги 8н-д/172-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иссиқ иқлим шароитида *in vitro* аллергия ташхисот замонавий усулларини даволаш амалиётига жорий қилиш имконини берган;

овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озик-овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослашга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика илмий ихтисослаштирилган аллергиялогия маркази, Хоразм, Сурхондарё вилоят кўп тармоқли вилоят шифохонаси, Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси клиник амалиётига, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гигиена, пульмонология ва клиник аллергиялогия кафедралари ва Тошкент тиббиёт академияси ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 1 ноябрдаги 8н-з/185-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши

беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодий самарадорликка, беморларда касаллик рецидивини учраш тезлигини камайиши ҳамда стационар шароитда даволаниш муддатларининг камайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 12 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Ҳимояга олиб чиқилувчи асосий йўналишлари кўрсатилган.


Диссертациянинг **«Овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг сенсбилизация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослашга замонавий ёндашув»** деб номланган биринчи бобида овқатланиш ва ташқи муҳит гигиенасининг аллергик касалликлар келиб чиқишидаги ўрни, ҳайвон ва ўсимлик озиқ-овқат аллергенларининг тавсифи, озиқ - овқат аллергенлари билан бошқа гуруҳ аллергенлари орасида кесилган аллергик реакциялар тўғрисидаги охириги йиллар манбалари шарҳи келтирилган. Муаммонинг ҳал қилинмаган ва ҳал қилиниши зарур бўлган томонлари, камчилик ва афзалликлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг сенсбилизация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг материал ва текширув услубларига бағишланган. Тадқиқотлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика ихтисослаштирилган аллергология маркази, Сурхондарё ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида олиб борилган. Республика ихтисослаштирилган аллергология марказининг 2009-2014 йй. маълумотлари бўйича Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи беморларнинг мурожаатлари ва касалланишларини ҳисобга олиш

материаллари (2009-2014 йй.) тадқиқот объектлари қилиб олинган (Тиббий ҳужжат формаси 025/х). Тадқиқотда объектив кўрик натижалари, лаборатор-инструментал ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси саломатлик ва статистика марказидан 2012-2014 йилларда бронхиал астма ва аллергия ринитларнинг республика бўйича (абсолют сонда ва 100000 аҳолига нисбатан) тарқалиши бўйича маълумотлар олинган. Таъкидлаш жоизки, институтда аллергия ринитлар ва бронхиал астма бўйича маълумотлар олиб борилади, аммо овқат аллергияси ҳисобга олинмайди.


Овқат аллергияси тарқалганлигини аниқлаш мақсадида 2009-2014 йилларда Тошкент шаҳридан республика ихтисослашган алергология марказига мурожаат қилган 511 нафар беморнинг амбулатор тиббий варақаларидаги маълумотлар (025/Х) ретроспектив таҳлил қилинган. Тадқиқотга 14-70 ёшдаги 225 (44,03%) эркак ва 286 (55,97%) аёл киритилди (1-расм).



1-расм. Аллергик касалликларнинг нозологиялар бўйича тарқалиши, % да


Таҳлил натижасида овқат аллергияси аллергия касалликлар ичида кенг (9,6%) тарқалганлиги маълум бўлди, озиқ - овқат маҳсулотларига нисбатан лаборатор тасдиқланмаган аллергия реакциялар 40,82% эркак ва 59,18% аёлда қайд қилинган. ОА тарқалишининг ёш бўйича таҳлилида 14-17 ёшли ўсмир қизлар ва йигитларда тенг миқдорда 6,12%дан, 18 ёшдан катта аёлларда 53,06%, 18 ёшдан катта эркакларда эса 34,7% ни ташкил қилди.

Барча беморлар ичида ОА 20 (3,9%) эркак ва 29 (5,7%) аёлда қайд қилинган (2-расм), беморларнинг ўртача ёши эркакларда $24,8 \pm 5,08$, аёлларда эса $31,44 \pm 3,52$ ни ташкил этди, касаллик айна меҳнат қобилияти юқори бўлган даврга тўғри келди. ОА бошқа АК ичида 9,6% ни ташкил қилди ва эркакларга нисбатан аёлларда (1:1,5) кўп учради.



2-расм. Овқат аллергиясининг аллергик касалликлар ичида (% да) тарқалиши, 2009-2014йй . (эркаклар n=225, аёллар n=286)

Овқат аллергияси билан хасталанган беморларда меъда - ичак, нафас аъзолари ва бошқа аъзолар томонидан клиник симптомлар кузатилди (3-расм).



3-расм. Овқат аллергияси билан хасталанган беморларда касаллик клиник кўринишлари, фоизларда

Тадқиқотда замонавий *in vitro* аллергологик ташхисот усули (IVD), модификацияланган иммуноблот аллерген панелларининг имкониятлари тавсифланган. Респиратор ва озиқ – овқат (1 uz), педиатрик (4 uz), озиқ - овқат (3 uz, 3 uz 2) иммуноблот аллерген панеллари таркиби ЖССТ стандартлари бўйича калибровкаланган 5 та стандарт ва 20 та аллергендан иборат бўлиб, иссиқ иқлим шароитига мослаштирилган. 2015 йилда Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош Бошқармаси томонидан ТВ/Х 00208/07/15 рақамли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олинган. Озиқ - овқат, респиратор, касбий, маиший, замбуруғ ҳамда ўсимлик аллергенларини мужассамлаган (Германиунинг R-Biopharm компаниясига қарашли Rida qLine) аллерген панеллари ёрдамида иммуноблот усулида тадқиқот ўтказилган. Тадқиқот ишида 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган

даврда (республика бўйича) 334 нафар аллергия касалликлар билан хасталанган бемор респиратор ва озиқ- овқат аллергияларни муассамлаган (1 uz) панель ёрдамида скринингдан ўтказилган. Назорат гуруҳини наслида атопик касалликлар бўлмаган 20 бемор ташкил қилди.

Турли аллергияларга аллергиямахсус IgE (sIgE) ни аниқлаш учун наҳорга беморлар тирсак венасидан пластик пробиркаларга 5 мл ҳажмда қон олинди. Хона ҳароратида 30 минут сақлангач, 10 дақиқа 1000g айланишда центрифуга қилинди, ҳар бир панел учун 400 мкл қон зардоби ишлатилди. Аллергиялар концентрацияси R-Biopharm AG компанияси томонидан тақдим этилган дастур ёрдамида аниқланди.

Беморлар учун таомномалар тузиш ҳамда тезкор типдаги аллергия реакциялар билан кечувчи аллергия касалликлар келиб чиқишида сабабчи аллергияларни аниқлаш мақсадида 2 та озиқ-овқат аллергия панеллари модификация қилинди. Тест натижаларини Халқаро тизим (СИ) бўйича МЕ/мл ва радиоаллергосорбент тест (РАСТ) синфларида баҳоланди. In vitro ташхисот кўрсаткичлари қисқа муддатда беморлар учун хавфсиз усулда аллергия маҳсулотларга нисбатан сезгирликни аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг «Текширилган гуруҳларда in vitro ташхисот кўрсаткичларининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида беморларнинг ёш гуруҳлари ва жинси бўйича sIgEнинг РАСТ синфларида учраш частотаси таҳлил қилинган.

АК билан хасталанган беморларда турли гуруҳ аллергияларга сенсбилизацияни аниқлаш мақсадида модификацияланган аралаш аллергия панелларидан фойдаланилган (1-жадвал).

1-жадвал

Респиратор ва озиқ-овқат аллергиялар панели (1 uz) га текширилган беморларда 1-6 РАСТ IVD натижалари (%да)

код	Аллергия номи	РИАМ, n=195	Сурхон. ВКТТМ, n=47	Хоразм ВКТТМ, n=29	Республика, n=334
d 1	Dermatophagoides pteronyssinus	28,7	33,3	44,8	29,3
d2	Dermatophagoides farinae	15,9	25,9	17,2	18,6
EX 8	парранда аллергия (каптар, ғоз, жўжа, ўрдак)	0	3,7	0	2,4
EX 10	ҳайвон эпителийси (мушук, ит, от, сигир)	57,4	55,6	41,4	55,7
FX 1	ёнғоқлар (ер ёнғоқ, ўрмон ёнғоғи, бодом, бразилия ёнғоғи, кокос, грек ёнғоғи)	22,6	50	27,6	33,2
FX 14	сут аралашмаси (казеин, сигир сути, сут кукуни)	5,6	16,7	3,5	3,6
GX	эрта гуллайдиган ўтлар (бетага, ажриқбош,қўнғирбош)	23,1	48,2	20,7	35,3
К 82	Латекс	11,8	42,6	20,7	20,1
М 2	Cladosporium herbarum	4,1	18,5	13,8	4,8
М 1	Penicillium notatum	7,7	33,3	17,2	7,5
М 5	Candida albicans	2,6	18,5	10,3	3

M 6	<i>Alternaria alternata</i>	6,7	16,7	10,3	5,69
MX 13	<i>Aspergilli</i> 13 (<i>Asp. flavus</i> , <i>Asp. niger</i> , <i>Asp. fumigates</i> , <i>Asp. versicolor</i>)	3,1	16,7	6,9	2,7
MX10	Mould fungi (<i>Mucor mucedo</i> , <i>Rhizopus nigricans</i>)	13,3	48,2	34,5	14,1
T 3	қайин дарахти	13,9	48,2	13,8	26,4
TX 1	эрта гуллайдиган дарахтлар чанги (қандағоч, қайрағоч, ўрмон ёнғоғи, мажнунтол, терак)	18,5	48,2	20,7	27,3
TX 2	кеч гуллайдиган дарахтлар (қайин, қора қайин, заранг, эман, грек ёнғоғи)	28,2	55,6	27,6	41
W 1	Амброзия	21,5	51,9	27,6	29,6
W 9	Баргизуб	31,3	61,1	31	41,3
W 6	Шувоқ	25,1	48,2	24,1	36,5

Озиқ-овқат аллергенларидан ёнғоклар ва ер ёнғокқа (50%), сигир сути ва казеинга (16,7%) 1-6 РАСТ микдоридида сенсбилизация энг юқори кўрсаткичи Сурхондарё ВКТТМ да аниқланди. Республика бўйича бошқа гуруҳ аллергенлари билан кесишган аллергик реакциялар 175 (52,3%) беморда юзага келган (n=334).

РИАМ, Сурхондарё ва Хоразм ВКТТМ ида беморлар қон таҳлилида замбуруғлардан *Mucor mucedo*, *Rhizopus nigricans*, *Penicillium notatum*, *Alternaria alternata*, *Cladosporium herbarum*, *Candida albicans*, *Aspergilli* миксти, касбий аллерген - латексга нисбатан яширин сенсбилизация мавжудлиги маълум бўлди. Таҳлил натижасида *Mucor mucedo*, *Rhizopus nigricans*, *Penicillium notatum* каби моғор замбуруғларига сезгирлик учраш тезлиги (барча ўрганилган клиникалар беморларида) ишончли юқори кўрсаткичлари (P<0,05) аниқланди. Сурхондарё ВКТТМ да касбий аллерген латексга яширин сезгирлик юқори (42,6%) учраш тезлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

РАСТ 1-6 бўйича замбуруғлар ва латексга сенсбилизация учраши (%)

код	Аллерген	РИАМ	Сурх ВКТТМ	Хоразм ВКТТМ
		(n=195)	(n=54)	(n=29)
M 2	<i>Cladosporium herbarum</i>	8 (4,1%)	10 (21,3%)	4 (13,8%)
M 1	<i>Penicillium notatum</i>	15 (7,7%)	18 (38,3%)	5 (17,2%)
M 5	<i>Candida albicans</i>	5 (2,6%)	10 (21,3%)	3 (10,3%)
M 6	<i>Alternaria alternata</i>	13 (6,7%)	9 (19,2%)	3 (10,3%)
MX 13	<i>Aspergilli</i>	6 (3,1%)	9 (19,2%)	2 (6,9%)
MX 10	Mould fungi10 (<i>Mucor mucedo</i> , <i>Rhizopus nigricans</i>)	26 (13,3 %)	26 (55,3%)	10 (34,5%)
K 82	Латекс	23 (11,8%)	23 (42,6%)	6 (20,7%)

Сурхондарё ВКТТМ да IVD натижасида беморларда ер ёнғоқ, кулупнай, кунгабоқар уруғи, шафтоли, ёнғоқ, сигир сути, олма, асалга, РИАМ да помидор, товук гўшти, сабзи, картошка, буғдой уни, нохотга юқори сенсibiliзация аниқланди (3-жадвал). Беморлар ўртача ёши Сурхондарё ВКТТМ да $28,12 \pm 5,47$ ва РИАМ да $30,0 \pm 4,22$ ни ($P < 0,05$) ни ташкил қилди.

Сурхондарё ВКТТМ да беморларнинг 58,8% ида полисенсibiliзация, 11,76% ида моносенсibiliзация, 29,4% ида манфий натижалар олинган. РИАМ да беморларни текшируви асосида озиқ-овқат аллергенларига нисбатан полисенсibiliзация 40,3%, моносенсibiliзация 12,3%, 0-0,9 РАСТ синфларда манфий натижалар 47,4% беморда кузатилган.

3-жадвал

Озиқ-овқат аллерген панели (3 uz) га текширилган беморларда 1-6 РАСТ бўйича мусбат IVD натижалари (%)

код	Аллерген номи	РИАМ n=58	Сурх ВКТТМ n=34	РИАМ:СурхВКТТМ
F 53	Шафтоли	8,1	38,2	1:4,7
F 13	ер ёнғоқ	2,0	38,2	1:18,7
F 16	грек ёнғоғи	6,1	29,4	1:4,8
F 87	Тарвуз	10,2	26,4	1:2,6
F 2	сигир сути	2,0	8,8	1:4,3
F 1	тухум оксили	2,0	5,8	1:2,9
F 75	тухум сариғи	2,0	2,9	1:1,4
F 44	Кулупнай	4,0	41,1	1:10,1
F 35	Картошка	14,2	47,0	1:3,3
F 152	Абрикос	12,2	26,4	1:2,2
F 31	Сабзи	16,3	35,2	1:2,2
F 25	Томат	22,4	41,1	1:1,8
K 84	кунгабоқар уруғи	4,0	29,4	1:7,2
F 95	Кофе	0	14,7	
F 33	Апельсин	12,2	38,2	1:3,1
F49	Олма	8,1	35,2	1:4,3
F 4	буғдой уни	14,2	38,2	1:2,7
F 12	Нохот	14,2	29,4	1:2,1
F 247	Асал	14,2	44,1	1:3,1
F 83	товук гўшти	8,1	2,9	2,8:1
	беморлар ўртача ёши	$30,0 \pm 4,22$	$28,12 \pm 5,47$	$P < 0,05$

РИАМ да озиқ-овқат 58 (3 uz) ва 29 (3 uz 2) ҳамда педиатрик панел ёрдамида 16 (4 uz) бемор асосий гуруҳга, 20 бемор назорат гуруҳига танлаб олинди. РИАМ да IVD ёрдамида аёл (68,4-72,4%), эркакларда (27,6-31,6%) ($P < 0,05$) озиқ-овқат аллергенларига сенсibiliзация асосан 18 ёшгача учраши, 19-39 ёшда камайиши, 40 ёшдан кейин sIgE фақат аёлларда аниқланиши кузатилди. Беморлар ўртача ёши $30,0 \pm 4,22$ (3 uz) ва $21,52 \pm 5,75$ ёш (3 uz 2) ни ташкил қилди ($P < 0,05$).

Сурхондарё ВКТТМ да озиқ-овқат иккинчи аллерген панелига текширувлар натижасида беморлар (n=25, ўртача ёши $36,5 \pm 7,9$) да ($P < 0,05$)

кунжут (72%), олча (64%), сельдерей ва лимон (48%), ананас (36%), сабзаёт аралашмаси (миксти): помидор, исмалоқ (32%) га 1-6 РАСТ микдорида сенсibiliзация аниқланган, кофе, какао ва хамиртуруш, от гўшти, мол гўштига нисбатан сенсibiliзация кузатилмаган. 24,1% эркак ва 75,9% аёлда аллергия реакциялар кузатилган.

Тадқиқот (n=334) натижасида, 20,1% беморда латексга яширин сезгирлик аниқланди, 9,8% беморда АК «латекс - замбуруғ», «латекс - мева» синдромлар билан кечиши аниқланди. Бунда қуйидаги тенденция кузатилди: «латекс - мева» синдроми манифестацияси ўсмирлик даврида катталарга нисбатан кам бўлиб, латекс билан учрашиш эҳтимоли уларда камлиги билан изохланди. 111 (33,2%) беморда ёнғоқлар аралашмасига, 12 (3,6%) беморда сут аралашмасига яширин сезгирлик аниқланди. Латекс ҳамда қайин билан бошқа аллергиялар орасидаги кесишган реакциялар аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Аллергия касалликлар билан хасталанган беморларда 1-6 РАСТ бўйича IVD (кесишган сенсibiliзация турлари, n=334) натижалари

Аллерген	Аллерген	Бемор сони/(%)	Кесишган сезгирлик номи
латекс	ёнғоқлар аралашмаси, ер ёнғоқ	52 (15,6%)	«латекс-ўсимлик чанги»
латекс	қайин	67 (20,1%)	
латекс	ёнғоқлар аралашмаси, ер ёнғоқ, қайин	56 (16,8%)	
латекс	<i>Dermatophagoides pteronyssinus</i> , <i>Dermatophagoides farinae</i>	46 (13,8%)	«латекс-кана»
латекс	<i>Mucor mucedo</i> , <i>Rhizopus nigricans</i>	12 (3,6)	«латекс-замбуруғ»
латекс	<i>Penicillium notatum</i>	5 (1,5%)	
қайин	ёнғоқлар аралашмаси, ер ёнғоқ	67 (20,1%)	ўсимлик чанги
қайин	амброзия, шувок	72 (21,6%)	«қайин-амброзия-шувок»
қайин	ёнғоқлар аралашмаси, ер ёнғоқ, шувок	70 (21%)	«ёнғоқ-қайин- шувок»

Тадқиқотда 10 (3%) беморда ёнғоқлар аралашмаси, ер ёнғоқ ва сигир сути, казеин аллергияларига сезгирлик аниқланди.

Диссертациянинг «Аҳоли орасида овқат аллергияси профилактикаси ва парҳез даволаш» деб номланган тўртинчи бобида беморларни парҳез даволаш бўйича тавсиялар келтирилган. Гипоаллерген парҳезда парҳез асосий принципи, умумий тавсифи, кулинар ишлов, кимёвий таркиби ва қуввати, овқатланиш тартиби, рухсат бериладиган ва маън этилган маҳсулотлар таркиби, элиминацион парҳез вариантлари беморларда ташхисот асосида аниқланган «айбдор» аллергияларга сенсibiliзация кузатилган ҳолда таклиф қилинади. Беморда поливалент сенсibiliзация юзага келганда шифокор томонидан бир неча аллергия чекланишига тўғри келади, бунда кесишган аллергия реакциялар ҳамда озиқ - овқат маҳсулотларининг термик ишлов беришга чидамлилиқ ҳолати эътиборга олинади. Парҳез танлашда бемордаги касаллик тарихи, клиник симптомлар,


касаллик оғирлик даражаси, ёндош касалликлар ҳам эътиборга олинади. Ушбу бобда ўсимлик ва ҳайвон аллергенларининг асосий аллергенлик хусусиятлари, таркибидаги оксиллари ва уларнинг кесишган аллергик реакциялар келиб чиқишидаги ўрни ёритилган. Аллерген оксилларнинг таркиби, жумладан, термолабил ва термостабил оксиллар сақлашига қараб, ҳар бир беморга чекловчи парҳезга мослашган ёндашув мезони тавсия қилинган.

Ушбу бобда сугир сути, товуқ тухуми, буғдой уни, глютен, соя, маккажўхори, замбуруғлар, латекс, кунжутга сенсублизация аниқланганда тавсия қилинадиган чекловчи (элиминацион) парҳез вариантлари тасвирланган. Беморда маҳсулотларга сенсублизация аниқланганда сабабчи аллергенларни, уларнинг хусусиятларини, кесишган аллергик реакцияларни эътиборга олинади. ОА билан хасталанган беморларда индивидуал ўзига хослигини эътиборга олиб, чекловчи ҳамда гипоаллерген парҳез давомийлиги диетолог ва аллерголог шифокор томонидан белгиланади.

Юқори аллерген фаолликка эга тезкор типдаги аллергик реакцияларни келиб чиқишига сабабчи озиқ - овқат маҳсулотлари учун регламентловчи ҳужжатлар тузиш лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг таркибидаги аллерген компонентлари уларга яширин сенсублизацияга эга бўлган шахсларда ўта оғир аллергик реакциялар келтириб чиқариши мумкин. Ушбу бобда юртимизда энг кўп тарқалган, юқори аллерген фаолликка эга, аллерген компонентларини сақловчи қуйидаги маҳсулотларни озиқ-овқат маҳсулотларини маркировкашда (қадоқларда, ёрликларда) кўрсатишни таклиф қилдик: сугир сути ва унинг қайта ишлаш маҳсулотлари— аллерген оксиллар (казеин, α - ва β -лактоглобулин, α - ва β -лактоальбумин, қорамол зардоб албумини) сақлайди; тухум ва уни сақловчи маҳсулотлар (унинг компонентлари—овальбумин, овомукоид, овотрансферрин, кональбумин, лизоцим, α -ливетин); дон маҳсулотлари, глютен ва уни сақловчи маҳсулотлар; ер ёнғоқ ва уни сақловчи маҳсулотлар; ёнғоқлар (бодом, грек ёнғоғи, ўрмон ёнғоғи, бразилия ёнғоғи, каштан ва ҳк.) ва уни сақловчи маҳсулотлар; кунжут ва уни сақловчи маҳсулотлар; гречиха; селдер ва уни сақловчи маҳсулотлар.

Агар рецептурага аллерген киритилмаган бўлса, лекин ишлаб чиқаришда ушбу аллерген қўлланилса, уни маҳсулот таркибидан чиқариш иложи бўлмаса, ушбу ҳолатда ишлаб чиқарувчидан аллерген компонентлари ва/ёки унинг излари сақланиши мумкинлиги тўғрисида маълумотларни киритилишини талаб қилиш мақсадга мувофиқ. Аллергик касалликларни аҳоли орасида олдини олиш учун ташхисотнинг самарадор усулларини жорий қилиш, умумий амалиёт шифокорлари билим доирасини кенгайтириш зарур. Овқат аллергиясини олдини олиш учун беморларни тўғри касбга йўналтириш ҳамда профилактик чора-тадбирларни ташкил қилиш зарур.

Беморларда овқат аллергиясини ташхислаш ва даволаш алгоритми таклиф қилинди (5-расм).



5-расм. Беморларда овқат аллергиясини таҳҳислаш ва даволаш алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

«Овқат аллергияси профилактикаси ва маҳаллий озиқ - овқат маҳсулотларининг сенсibiliзация хусусиятлари асосида беморларни парҳез даволашни гигиеник асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Аллергик касалликлар билан хасталанган беморлар касалланиши таҳлили кўрсатишича, овқат аллергияси 14-70 ёшгача беморлар ичида 9,6% ни ташкил қилди ҳамда аёлларда кўпроқ учради (5,7%). Овқат аллергиясининг ўсмирлар ва катталарда шаклланишида аллергологик полисенсibiliзация фонида полиорган патология ташхисот ва даволашда қийинчиликлар туғдириши аниқланди.

2. Атопияли болалар ва катта ёшли беморлар учун IVD мақсадида иммуноблот аллерген панеллари ишлаб чиқилди. IVD усуллари ёрдамида озиқ-овқат, ўсимлик, замбуруғ, касбий ва маиший аллергенларга нисбатан sIgE ни аниқлаш эрта ташхисотга, бу кўрсаткичларни кесишган аллергик реакциялар синдроми ва тезкор типда кечувчи аллергик яллиғланишни аниқлаш мезонлари сифатида баҳолаш имконини беради.

3. Аллергик касалликлар билан хасталанган беморларнинг 20,1% ида латексга, 16,8% ида ёнғоқлар миксти, латекс ва қайинга нисбатан яширин сенсibiliзация аниқланди, яъни «латекс - ўсимлик чанги» синдроми кузатилди. 3,6% беморда латекс ҳамда *Mucor mucedo*, *Rhizopus nigricans*, 1,5% беморда латекс ҳамда *Penicillium notatum*га сезгирлик - «латекс - замбуруғ» синдроми аниқланди. Латексга сенсibiliзация аниқланганда, таомномадан латекс билан гомологик оксил сақловчи ёнғоқлар, сабзавот ва мевалар, ферментланган маҳсулотларни чеклаш, тезкор типдаги аллергик реакциялар олдини олиш режасида латексга нисбатан IgE-антитаначаларни эрта аниқлаш муҳим.

4. Аллергик касалликлар билан хасталанган беморларда *Mucor mucedo*, *Rhizopus nigricans* (13,3-55,3%), *Penicillium notatum* (7,7-38,3%) каби моғор замбуруғларига нисбатан sIgE кўрсаткичлари аниқланди. Овқат аллергияси билан хасталанган (15,6%) беморларда замбуруғлар ҳамда ёнғоқлар, дуккакли маҳсулотларга нисбатан кесишган аллергик реакциялар юзага келган.

5. Овқат аллергияси билан касалланган беморларни текширув ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди, sIgE концентрациясининг назорати даволаш мониторинги ўтказишда ҳамда касаллик кечиши назоратини тавсифлашда ишлатилиши мумкин.

6. Овқат аллергиясида озиқ - овқат аллергенларининг ўзига хослиги, сенсibiliзация хусусиятлари, кулинар ишлов беришда антигенлик хусусиятларининг ўзгариши, иқлим хусусиятларини эътиборга олган ҳолда сигир сути, товуқ тухуми, буғдой уни, глютен, соя, маккажўхори, замбуруғ, латекс ҳамда кунжутни чекловчи парҳез вариантлари ишлаб чиқилди. IVD

маълумотлари асосида ҳар бир бемор учун чекловчи парҳезга мослашган ёндашув принципи таклиф қилинди.

7. Маҳсулотларни ёрлиқлаш (маркировкалаш) да (қадоклар, ёрлиқларда) юртимизда энг кўп тарқалган, юқори аллерген фаолликка эга бўлган маҳсулотлар (сигир сути, тухум, дон маҳсулотлари, глютен, ер ёнғоқ, ёнғоқлар, кунжут, гречиха, селдер) ҳамда уларнинг компонентларини сақловчи озиқ-овқат маҳсулотларини кўрсатиш учун уларнинг рўйхати тафсия қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ ГАЙРАТОВНА

**ГИГИЕНИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ И
ДИЕТОТЕРАПИИ ПИЩЕВОЙ АЛЛЕРГИИ С УЧЁТОМ
СЕНСИБИЛИЗИРУЮЩИХ СВОЙСТВ МЕСТНЫХ ПРОДУКТОВ
ПИТАНИЯ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/Tib201

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей и республиканском научно- специализированном аллергологическом центре.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научные руководители:

Худайбергенов Анатолий Сагатбаевич
доктор медицинских наук, профессор

Назаров Азадбек Ахмедович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна
доктор медицинских наук

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Разового Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail.tma2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно - ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (регистрационный номер № _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2-й учебный корпус «Б» крыло, 1-й этаж, 7-й кабинет. Тел./факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года).

Г.И.Шайхова
председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ж.Эрматов
ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Ф.И.Саломова
председатель разового Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Аллергия, описанная ещё четыре века до нашей эры, является актуальной и в настоящее время. Аллергические заболевания признаны ВОЗ серьезной медико-социальной проблемой, а их распространенность во всем мире имеет тенденцию к росту «...но несмотря на это, даже в развитых странах помощь пациентам аллергическими заболеваниями оказывается неполноценно и далека от совершенства...»¹. Согласно данным официальной статистики «...пищевая аллергия является причиной 30-50% всех анафилактических состояний требующих госпитализации в отделениях неотложной терапии...»². Синдром пищевой аллергии охватывает широкий спектр болезней кожи, респираторного тракта, включая генерализованные проявления. Во всем мире проводятся научные исследования, направленные на решение вопросов укрепления здоровья населения, профилактике и своевременного лечения аллергических заболеваний. При этом основное внимание уделяется ранней диагностике и совершенствованию методов лечения. Многообразие клинических проявлений пищевой непереносимости, обусловленных различными иммунологическими и неиммунологическими механизмами реакций на пищевые продукты, отсутствие единых диагностических критериев зачастую приводит к ошибочному диагнозу и к неоправданным ограничениям в диете, что определяет актуальность и необходимость выполнения данного исследования.

В мире проводятся ряд научно - практических исследований, направленных на гигиеническое обоснование диетотерапии с учётом сенсibilизирующих свойств местных продуктов питания и профилактики пищевой аллергии. В том числе, важное значение имеют исследования направленные на изучение заболеваемости и распространенности пищевой аллергии за последние пять лет, разработка и обоснование применения новых безопасных панелей аллергенов для ранней диагностики, определение показаний и противопоказаний. Приоритетным является разработка комплекса оздоровительных мер и гигиенических норм, направленных на изыскание предложений в клиническую практику элиминационных и гипоаллергенных рационов, в профилактике, диагностике, стандартизации и диетотерапии с учётом сенсibilизирующих свойств местных продуктов питания и условий климата с помощью *in vitro* аллергодиагностики больных аллергическими заболеваниями.

На сегодняшний день в нашей стране проводится ряд работ по профилактике заболеваний, связанных с питанием. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены главные задачи по социальной защите населения, где приоритетное значение имеет «...реализация комплексных мер, направленных на укрепление здоровья

¹Богданова С.В. Этиология и патогенез пищевой аллергии. Вопросы питания, Москва.- 2014.-№3.- С.35-45.

²Данные Всемирной организации здравоохранения, 2017

населения, обеспечение снижения показателей заболеваемости и повышение продолжительности жизни, путем формирования здорового образа жизни и профилактики заболеваний, охране материнства и детства...»³. Реализация данных задач позволит поднять на новый уровень оказание современной качественной медицинской помощи, профилактики и диагностики заболеваний, усовершенствование применения современных технологий, существенно снизить частоту жизнеугрожающих состояний и, следовательно, предупредить рост заболеваемости с помощью здорового питания, повысить продолжительность жизни населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренным в Законах «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения», «О качестве и безопасности пищевой продукции», в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3715 «О мерах по коренному совершенствованию профилактики, диагностики и лечения аллергических заболеваний» от 11 мая 2018 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №102 «О дальнейшем совершенствовании реализуемых мер в области здорового питания» от 25 апреля 2015 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятыми в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В практической медицине состояния и синдромы, различные по механизмам развития, связанные с употреблением продуктов питания, ошибочно фигурируют под диагнозом «пищевая аллергия». Отсутствие четких критериев диагностики приводит к нерациональному использованию диагностических мероприятий и несовершенству стандартов терапии. Использование термина «пищевая аллергия» (ПА) рекомендована Всемирной Аллергологической Организацией в тех ситуациях гиперчувствительности к пищевым продуктам, когда подтверждены иммунологические механизмы развития болезни (European Academy of Allergology and Clinical Immunology, 1993). В зарубежных странах проведен ряд исследований по применению эффективных методов лечения и профилактики (Лусс Л.В, 2007; Евсюкова И.И., 2010; Ревякина В.А., 2010; Федорова О.С., 2010; Макарова С.Г., 2011; Колхир П.В., 2010; Балаболкин И.И., 2011; Боровик Т.Э., 2012; Боткина А.С., 2012; Зайцева С.В., 2012; Новик Г.А., Ткаченко М.А., 2012; Пампура А.Н., 2012; Евдокимова Т.А., 2013; Перевощикова Н.К., 2013; Ревякина В.А., 2013; Богданова С.В.,

³Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947-«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года.

